

Андижон шаҳри.

2022 йил 14-ноябр

Андижон шаҳар хокимлигининг “Шаҳар хокимлиги хотин кизлар булими” номидан Низомида берилган ваколат асосида харакат килувчи, булим раҳбари Б.Хошимов кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи бир томондан ва «Миллӣ лойиха» МЧЖ Низомида берилган ваколат асосида харакат килувчи раҳбари Д. Мамадалиев кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи иккичи томондан қўйидагилар тўғрисида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Атамалар

Мазкур шартномада қўйидаги атамалар қўлланилади:

- Шартномада «**ижро хужжатлари**»: «**лойиха-смета хужжатлари**» (ЛСХ) «**курилиш майдони**»; «**вақтинчалик иншоотлар**»; «**беркитилган ишлар**» атамалари қўлланилган. Атамаларнинг изохи Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 12-сентябрдаги 395-сонли карорига З-иловадаги “Намунавий пудрат шартномаси”нинг 1-бандига асосан қўлланилган.

Бундан ташкири:

«**жорий молиялаштириш**»: шартномада белгиланган ишлар кийматини, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиккан холда боскичма – боскич молиялаштириб бориш;

“**маблағ билан таъминловчи орган**”: - Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачини маблағ билан таъминловчи орган, Молия вазирлиги, вилоят, шаҳар молия бошқармаси.

II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, Андижон шаҳар (Аеллар дафтари) 20 нафар аелларни хонадонини жорий таъмирлаш объектини фойдаланишга топшириш тўғрисида, курилиши ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса курилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни кабул килиш белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар киймати.

3.1. Мазкур шартнома бўйича, Танлов савдоси натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг баёнига (2022 йил 11-ноябр, № 177450) билан тасдикланган, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар киймати Кушилган Киймат Солиги билан 159 000 000,00 (бир юз эллик тукиз милион) сум 00 тийинни ташкил этади.

3.2. Ишлар киймати ўзгармас хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас. Қўйидаги холларда нархларни аниклаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;

- Пудратчи ташкилот солик тўловчи сифатида бошқа солик тўрига ўтканда тендер савдоси натижасида аникланган нархга ўзгартириш киритилади

3.3. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи қўйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

- барча ишларни **объектни** лойиха-смета хужжатларига мувофиқ, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

- Ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда аҳбарот бериш;

- Ўз.Р. ВМнинг 20.12.1999 йил кунги 532-сонли карорига асосан, курилиш таваккалчиликларни сугурта қилиш;

- шартнома бўйича объектини фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

- объектда қонунда белгиланган тартибда меҳнат ва ҳафсизлик техникасини таъминлаш;

- курилиш майдонини, ундаги курилиш ҳом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуналарни қуриклинишини таъминлаш.

- Пудратчи хисобот ойининг 27-28-кунидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва киймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, хисобот хужжатларини (счет-фактура) тақдим килиши, бунда хисобот хужжатларига бажарилган ишлар, қўлланилган курилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли хужжатлар илова қилиниши;

- курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета хужжатларини ўрганиб чикиш, лойиха-смета хужжатлarda аникланган нуксонлар ҳакида Буюртмачини, шунингдек, лойихачи ташкилотни ўз вактида хабардор этиш;

- курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета хужжатлари бўйича объектида бажариладиган иш кисмларининг олдинги фотосуратларини Буюртмачига тақдим килиш;

- объектида курилиш-таъмирлаш ишлари тутатилгач, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим килиш.

- иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари якуплангач белгиланган тартибда иншоотни фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига хужжатлар тўпламини тақдим этиш;

- Иншоотда бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни курилиш ишлари туталлангач Буюртмачига тақдим килиш.

- объекти курилишида юзага келадиган муаммолар, хал этилиши лозим бўлган масалалар ҳакида Буюртмачини дархол хабардор этиш;

- Курилиш даврида Буюртмачи ва бошқа назорат килувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инобатга олган холда, улар томонидан аникланган камчиликларни ўз вактида, сифатли бажариш;

- Иншотда курилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач тўлик расмийлаштирилган фойдаланишга қабул килиш далолатномаси ва унга тегишли бўлган хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этиш;

4.2 Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблагларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб килинган холларда) намунавий шаклдаги ахборотни берib туриши;

4.3. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.

4.4. Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлик жавобгар хисобланади.

4.5 Пудратчи, танлов савдолари натижасида аникланган пудрат ишлари хажмини шартномада жорий хисобот йили учун белгиланган иш хажмлари доирасида бажаради ва белгиланган хажмдан (лимитдан) ортика иш хажмлари ва лойиха-смета хужжатларидан ташқари кушимча иш хажмларини бажарилишига йўл кўймайди.

Шартнома шартларида белгиланган ишлар хажмидан ташқари кушимча иш хажмлар бўйича вилоят ва маҳаллий хокимликлар, ташкилотлар, фойдаланувчи ташкилотнинг юкори органи ёки масъул шахслари томонидан берилган курсатмаларга факат, бажариладиган кушимча ишларни молиялашириш манбаига аниклик киртилиб, буюртмачи билан асосий шартномага кушимча келишув расмийлаштирилгандан сунг амалга оширилиши белгиланади.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичида, ишларни бажариш учун обьект лойиха-смета хужжатларини, яроқли бўлган курилиш майдонини курилиш обьектида ишлар тугаллангунга қадар бўлган даврга, далолатнома билан Пудратчига бериши;

- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат килиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлаши;

- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан пудратчига (бўнак) аванс бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириши.

VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1. Шартнома имзоланиб, газначилик бошкармасида рўйхатдан ўтказилган вактдан бошлаб томонлар учун кучга киради.

6.2. Таъмирлаш ишларининг давом этиши муддатига 54 кунга белгиланган.

6.3 Шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова) га мувофиқ, биринчи бўнак (аванс) тўлови тушган кундан бошлаб, танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиши вакти хисоб-китоб килинади.

6.4. Шартнома бўйича ишларни бажариш жадвал (2-илова) га мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи, Пудратчига бажариладиган ишлар умумий кийматининг 30% микдорида бўнак (аванс) тўловни 47 700 000 (Кирк етти милион еттимиш минг) сўм молиялаштириб берилади.

7.2. Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириши учун Буюртмачига, ишларни бажариш жадвали ва маблагларнинг ажратилганлиги асос хисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш, берилган бўнак (аванс) маблаглари бажарилган иш хажмига мутаносиб равишда ушлаб колинган холда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, шартнома умумий кийматининг 100 фоизи доирасида (топширилган иш хажми суммасидан олдин туландиган бунак маблаги олиб колиниб) 2022 йилга тасдиқланган манзилли дастурда белгиланган лимит доирасида амалга оширилади ва бу 111 300 000 (бир юз ўн бир миллион уч юз минг) сўмни ташкил киласи.

7.5. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар мулк хукуки Пудратчida бўлиб, обьектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиш ҳафти обьект топширилгунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Маблаг тўланиши бўйича Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида низо келиб чиккан тақдирда, ушбу низони ижобий хал этилишини таъминлаш учун худудий иктисодий судга мурожат килинади

VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи, курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни, шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор барча ишларни бажарилиши бўйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

8.3. Пудратчи, техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4. Пудратчи, ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи, обьектда ишларни олиб бориши тартибини, давлат архитектура курилиш назорат органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларida белгиланган тартибида жавоб беради.

8.6. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.7. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва обьектнинг (привязка килиш учун) Пудратчига геодезия нуктларни, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганилиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жарабёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

8.9. Пудратчи геодезия ишларида координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига топширади.

8.10. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоги, сув) вактинча улашни ва улаш нуктларida янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади хамда

жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

8.11. Пудратчи, ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиковчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб, уларни қабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Давлатархитектура-курилишназорат» инспекциясини ёзма равишида ҳабардор киласидан.

8.13. Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи, лойихачи ташкилот ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давлатархитектура-курилишназорат» инспекциясини билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб колишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги мълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маъумлотлар) акс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларида қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён киласиди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида курсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

Пудратчи объектга урнатиладиган жихозларни, объектни фойдаланишга топшириш муддатидан камида бир ой олдин обьектга олиб келиши лозим.

Пудратчи обьектга жихозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаштирилган ҳолда олиб келиши шарт.

Пудратчи обьект жихозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб урнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огохлантириб, шартноманинг ушбу шартини бажаришни талаб килиш ва муддат бериш хукукига эга. Бу муддат ун кундан кам булмаслиги лозим.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан сўнг кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ҳабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб ҳабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмими ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашган мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудрадатчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини ва муддатини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуруб-сирида ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойида чиқарип ташлайди.

8.19. Агар техник хужжатларга узгартириш киритиш туфайли бажарилиши керак буладиган кушимча ишлар киймати жихатидан лойиха-сметада курсатилган қурилиш умумий кийматининг ун фойизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини узгартирмаса Буюртмачи техник хужжатларга узгартириш киритишга хакли.

8.20. Бюджетдан ажратилаётган маблаглардан максадли фойдаланишина таъминлаш, асосиз ва лойиха карорларидан ташкиари холларга сарфланишига йўл кўймаслик, обьектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилини таъминлаш максадида Буюртмачи шартнома шартлари бузилаётган холатларда асосий пудрат шартномаси ижросини вактинчалик тўхтатиш, тўхтатиш ва зарур бўлган холларда истисно тарикасида бир томонлама бекор килиш, пудрат ишларини тўлиқ якунлашнинг амалдаги тартибларга зид бўлмаган чораларини кўриш хукукига эга бўлади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

9.1. Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, қурилиш тугалланниб, обьект Буюртмачи томонидан қабул килиб олгунга қадар, четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникини ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриклини таъминлайди.

9.2. Фойдаланишга қабул килинган бино ва иншоатлар, уларга тегишли жихозлар, мол-мулклар фойдаланувчи ташкилот балансига ўтказилгунга қадар буюртмачининг зиммасида бўлади.

X. Енгиг бўлмайдиган куч (Форс-мажор) холатлари.

10.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч натижасида келиш чикса бу холатларда томонлар мажбуриятларини кисман ёки тулиқ бажармаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Тарафлар келишуви билан, форс-мажор холати даврига мутаносиб равишида шартномага ўзгаришлар киритилади.

10.2. Агар енгиг бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда куп вактда чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар қурилишини мухокама киладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келишип олмасалар, у ҳолда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул килиб олиш.

11.1. Қурилиши тугалланган обьектни қабул килиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофик барча мажбуриятларини томонлар бажарганиларидан кейин, қурилиши тугаллаган обьектларни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларга биноан амалга оширилади.

11.2. Обьектни фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ун қабул килишини амалга оширади.

11.3. Пудратчи, қурилиши тугалланган обьектни қабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига, белгиланган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг қуриб битказилган (реконструкция килинган) бинолар ва мухандислик тармокларининг тайерлиги тугрисидаги хулосаларини,

мухандислик тармокларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равища тасдиклайди.

11.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва кабул килиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўз вақтида расмийлаштирумаганлик учун Пудратчи жавобгар хисобланади.

11.5. Давлат кабул комиссияси томонидан объектни топшириш ва кабул килиш далолатномаси тулик расмийлаштирилиб, тасдикланганидан сўнг объект кабул килиб олинган хисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

12.1. Пудратчи кўйидагиларни кафолатлайди:

- барча ишларни тулик хажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;
- барча ишларни, лойиха хужжатлари хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик сифатли бажаришни;

- мазкур шартномага асосан бажариладиган курилиш-таъмираш ишлари хажми, етказиб келинадиган, кўлланиладиган курилиш материаллари, бутловчи кисмлар, жихозлар кийматидан келиб чиккан холда тегишли солик органларига, Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибида хисобот бериб бориш;

- курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиқлигини;

- объект кабул килинганидан сўнг, ундан фойдаланишдаги кафолат муддати даврида, аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф килишни;

- обьектда ўрнатилган мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини.

12.2. Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати, обьект кабул килиб олинганидан бошлаб камида ўн икки ой этиб белгиланади.

12.3. Агар, обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида, камчиликлар аникланниб, у бартараф этилгунга кадар фойдаланишни бермайдиган нуксонлари аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади. Аникланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини ваколатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан таклиф этилганлигини тасдикловчи хужжатнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафни камчиликлар бўйича хужжат расмийлаштириб, бошка тарафдан хужжатда расмийлаштирган ишларни талаб килиш хукукини беради.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгилаб берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиши ва камчиликларни бошка пудратчи ёллаб бартараф этиш хукукига эга.

12.4. Пудратчи нуксонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига катнашишдан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, аникланган камчиликларни текшириб чикиш «Давлатархитектуракуришназорат» органлари томонидан амалга оширилади.

XIII. Шартномани бекор килиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга чўзилганда;

- Пудратчи томонидан курилиш ишлари шартнома шартлари, курилиш меъёрлари ва коидаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;

- конун хужжатларида мувофик бошка асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга. Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибида бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган кундан бошлаб 10 кун ичida Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор килиш ва ишни бошка Пудратчи оркали давом этириш хукукига эга.

Шартнома бир томонлама бекор килинганида, Пудратчи 3 кун муддат ичida барча бажарган ишлари ва колдик ишлари бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши хамда тегишли хужжат ва обьектни топширишни бошлаши зарур. Пудратчини кайд этилган хужжатни расмийлаштирилиши бўйича таклиф этилганлигини тасдикловчи хужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига колдик ишлар бўйича хужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб килиш хукукини беради.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюрмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- Буюртмачи, молиялаштириши шартнома шартлари бўйича бажармаганда;
- конун хужжатларида мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.3. Шартнома бекор килингандан тақдирда Пудратчи, Буюртмачини таклиф этиб, тугалланмаган курилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишни бошлаши зарур.

13.4. Шартнома бекор килиниши билан айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Пудратчининг розилигини олган холда Буюртмачи айрим ишлани бажариш учун бошка шахслар билан шартнома тузишга хакли. XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тулайди;

- Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, Узбекистон Республикасининг «Хужалик юри-тувчи субъектлар фалиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конунда ва бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз маъбуриятларига риоя килмаганилиги, уз вақтида молиялаштирганилиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 % микдорида пения тулади, бунда пениянинг умумий суммаси кечиктирилган тўловининг 50 - фоизидан ошмаслиги лозим.

14.3. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равища бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5% фоизи микдорида жарима тулади.

14.4. Пудратчи объектни уз вактида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2% фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

14.5. Пудратчи шартнома бўйича ишларни тулик бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вактида бажармаса, иншоотни кабул килиш-топшириш далолатномасини уз вактида расмийлаштирмаса, утказиб юборилган хар бир кун учун, обьект шартномавий жорий кийматининг 0,01% микдорда пеня тулайди, аммо пенянинг умумий суммаси обьектнинг шартномавий жорий кийматининг 15%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоиз микдорида жарима тулайди.

Пеня тулаш, Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод кильмайди.

14.6. Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш холати юзага келса, бажарилган ишлар хисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим бўлган 5 фоизли кафолат тўлови хисобидан ушлаб колади.

14.7. Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофикс булмаса у холда Буюртмачи «Давлатархитектуракурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида обьектни кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 50% фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

14.8. Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиха-смета хужжатлари бўйича келиб чиқканда низони хал этиш учун иншоотни лойихаси билан шугуллунган ташкилот ишга жалб килинади. Лойиха-смета хужжатларидаги аникланган камчилик ва нуксонлар учун лойиха ташкилоти жавоб беради.

14.9. Муддат утказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод кильмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби.

15.1. Шартнома бўйича юзага келган низоли масалаларни тарафлар музокара йўли билан хал этадилар. Агар низоли масала ўзаро хал этилмаганда, конун хужжатларида белгиланган тартибда Андикон туманлараро иктисадий суди томонидан хал этилади.

XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Шартнома имзолангандан кейин, у тузилгунга қадар шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йўкотади.

16.2. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак. Хисобот йили якуни билан бажарилмаган (якунланмаган) юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси бўйича иккинчи йил учун томонлар мазкур шартномага кўшимча келишув тузилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ижроси таъминланиши мумкин.

16.3. Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун хак тулашни кечикитиришга хаклидир.

16.4. Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг хукуки ва жавобгарлиги холатлари юзасидан амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

16.5. Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари узгарган тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичida хабардор килишлари шарт бўлади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига хужжатлар буюртма хат орқали юборилган холда, хужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган хисобланади.

16.6. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади ва тарафларда бир нусхадан сакланади хамда конунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.

16.7. Шартнома 2022 йил 31 декабр куни охирига қадар амалда бўлади. Шартноманинг амал килиш муддатини тугаси томонларни шартнома шартларини бажариш жавобгарлигидан озод кильмайди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

«ПУДРАТЧИ»	«БЮОРТМАЧИ»
«Миллий лойиха» МЧЖ Андижон ш. Ш.Мирзо 29 Тел: 99-723-53-13 ИНН305888323, ОКЭД 70100	Андижон шахар Ҳокимлиги Андижон ш, Машраб 37 Тел 90-144-00-60 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги Х/р 23402000300100001010
X/р 20208000900947746001 Алокабанк Андижон филиали МФО00401,	Тошкент ш., Марказий банкнинг Тошкентш.ХККМ МФО 00014 ИНН 201122919 ш/х 30512440000017109602018001~200237711 ОКПО 97600 Андижон шахар Ҳокимлиги тартиби жамгармаси
Рахбар: М.У.	Д.Мамадалиев
 MILLIY LOYIHA Юрист STR:305888323 MASULUYAT CHEKLANGAN JAMMAT	 Б.Хошимов

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 177450 на приобретение Андикон шахар “Аёллар дафтари” жамғармаси хисобидан 20 нафар аёллар хонадонлари жорий таъмирлаш учун

Способ проведения электронный

Дата 11.11.2022

Время рассмотрения 11.11.2022 18:53

Закупочная комиссия Андикон шахар хокимлиги аеллар дафтари жамгармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ULUGBEKOVA NARGIZA AKBAROVNA	Хоким уринбосари	Шахар хокимлиги хотин кизлар булими
Секретарь комиссии	SOQIYEV BAXTIYORJON ISMOILJON O'G'LII	Хотин кизлар сиёсий фаоллигини ошириш мах хотин кизларни фаоллари иш етакчи мут	Андижон шаҳар ойла ва хотин кизлар булими
Член комиссии	AXMEDOVA GULBAXOR KARIMOVNA	Хотин кизлар сиёсий фаоллигини ошириш мах хотин кизларни фаоллари иш етакчи мут	Андижон шаҳар ойла ва хотин кизлар булими
Член комиссии	SHOKIROV SHAVKATBEK SHUXRATOVICH	Хоким уринбосари	Андижон шаҳар хокимлиги
Член комиссии	ZIYAYEV RAXIM SABIROVICH	Андижон шхар Халк депутатлари кенгаши Раиси	Кенгаш Раиси
Член комиссии	MAXMUDOV UMIDJON XABIBULLO O'G'LII	Шахар хокими уринбосари	Андижон шхар хокимлиги

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.11.2022 года № лота 177450.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту зданий
Подробное описание	Андижон шахар “Аёллар дафтари” жамғармаси хисобидан 20 нафар аёллар хонадонлари жорий таъмирлаш учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	160 137 259.00
Стартовая сумма	160 137 259.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Таклиф этилган қурилиш муддати танлов предмети бўйича белгиланган қурилиш муддатидан кўп эмаслиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Таклиф этилган қурилиш муддати танлов предмети бўйича белгиланган қурилиш муддатидан кўп эмаслиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MILLIY LOYINA	10	159000000	10	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	10	160000000	9	Экспертная		

Критерий №2 Бюджет ташкилотлари билан ишлаганлиги тугрисида тавсиянома

Тип: Текстовое значение

Описание: Бюджет ташкилотлари билан ишлаганлиги тугрисида тавсиянома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MILLIY LOYINA	10	159000000	10	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	10	160000000	9	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилинган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бажариладиган ишларга сарфланадиган меҳнат ресурслари, машина ва механизмлар, қурилиш моллари ва ускуналарнинг номи-миқдори-нархи-суммаси кўрсатилган ресурслар ведомости, бажариладиган ишлар ҳамда ушбу ишларга сарфланадиган ресурсларнинг номи-миқдори-нархи-суммасини ўз ичига олган харид таклифи тақдим қилиш.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилинган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бажариладиган ишларга сарфланадиган меҳнат ресурслари, машина ва механизмлар, қурилиш моллари ва ускуналарнинг номи-миқдори-нархи-суммаси кўрсатилган ресурслар ведомости, бажариладиган ишлар ҳамда ушбу ишларга сарфланадиган ресурсларнинг номи-миқдори-нархи-суммасини ўз ичига олган харид таклифи тақдим қилиш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MILLIY LOYINA	10	159000000	10	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	10	160000000	9	Экспертная		

Критерий №4 Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 699-сонли Қарорида кўрсатилган қурилиш корхоналарининг рейтинги, яъни ишончлилик тоифаси-рейтинг баҳоси-ишончлилик даражаси-умумий бали ҳисобга олинади (Рейтинг юқорилигига қараб балл берилади. “reying.mc.uz” дастуридан олинган ҳарфлардан иборат рейтингни скриншот файли, “tender.mc.uz” дастурининг шахсий кабинетидан олинган рақамлардан иборат рейтинг балини скриншот файли илова қилиниши шарт).

Тип: Текстовое значение

Описание: Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 699-сонли Қарорида кўрсатилган қурилиш корхоналарининг рейтинги, яъни ишончлилик тоифаси-рейтинг баҳоси-ишончлилик даражаси-умумий бали ҳисобга олинади (Рейтинг юқорилигига қараб балл берилади. “reying.mc.uz” дастуридан олинган ҳарфлардан иборат

рейтингни скриншот файли, "tender.mc.uz" дастурининг шахсий кабинетидан олинган рақамлардан иборат рейтинг балини скриншот файли илова қилиниши шарт).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MILLIY LOYIHA	10	159000000	10	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	10	160000000	9	Экспертная		

Критерий №5 Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатига солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.solq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатига солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.solq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MILLIY LOYIHA	10	159000000	10	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	10	160000000	9	Экспертная		

Критерий №6 Ишчи ходимларнинг рўйхати, раҳбар ва ходимларининг мутахассислиги бўйича маълумот (my.mehnat.uz порталидан ташкилотда ишлаётгандиги тўғрисида ёки меҳнат дафтарчаси тўғрисида дастурдан олинган штрих кодли маълумотнома тақдим этиш, диплом ва буйруқ нусхаси).

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимларнинг рўйхати, раҳбар ва ходимларининг мутахассислиги бўйича маълумот (my.mehnat.uz порталидан ташкилотда ишлаётгандиги тўғрисида ёки меҳнат дафтарчаси тўғрисида дастурдан олинган штрих кодли маълумотнома тақдим этиш, диплом ва буйруқ нусхаси).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MILLIY LOYIHA	10	159000000	10	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	10	160000000	9.5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО MILLIY LOYIHA	160 137 259.00	159 000 000.00 UZS	159 000 000.00	00.00	159 000 000.00	11.11.2022 00:32:32	20

ООО NURULLO DIYOR QURILISH	160 137 259.00	160 000 000.00 UZS	160 000 000.00	00.00	160 000 000.00	11.11.2022 10:59:12	19.875
-----------------------------------------------	-------------------	-----------------------	----------------	-------	-------------------	------------------------	--------

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО MILLIY LOYIHA	80	20	100
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	72.6664	19.875	92.5414

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 177450 от 11.11.2022 года на приобретение Андикон шахар "Аёллар дафтари" жамғармаси хисобидан 20 нафар аёллар хонадонлари жорий таъмирлаш учун определила победителем:

ООО MILLIY LOYIHA
305888323

и резервный исполнитель: **ООО NURULLO DIYOR QURILISH (307929324)**

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ULUGBEKOVA NARGIZA AKBAROVNA	Согласен	
Член комиссии	AXMEDOVA GULBAXOR KARIMOVNA	Согласен	
Член комиссии	SHOKIROV SHAVKATBEK SHUXRATOVICH	Согласен	
Член комиссии	ZIYAYEV RAXIM SABIROVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV UMIDJON XABIBULLO O'G'LII	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП